O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Миллий тикланиш — миллат келажаги

MILLIY TIKLANISH

2006-yil, 26-aprel, chorshanba, 17 (347)-son.

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Haftalik gazeta

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

Мустақилликнинг 15 йиллиги олдидан

Амир Темур орденли Шаҳрисабз шаҳри

БИЗ НЕЧУН СЕВАМИЗ, ЎЗБЕКИСТОННИ!

Дилбар бир қўшиқда «Агар жаннат кўкда бўлса, остидадир Ўзбекистон, Агар жаннат ерда бўлса, устидадир Ўзбекистон», деган сатрлар бор. Ушбу қўшиқни ҳар гал эшитганимда Аллоҳнинг назари тушган, осмонидан нур ёғилиб турувчи юртимизнинг бу қадар эъзозга сазовор бўлишида буюк хизматлар қилган аждодларимиз бир-бир хотирамдан ўтади. Эҳ-ҳе-е, ул зотлар юлдузлар қадар кўп, юлдузлардан-да порлоқ.

Шарқ гавҳари бўлмиш Ўзбекистон истиқлол қуёшидан қайта жило топди. Ўтган 15 йил давомида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, эҳтимол, келгуси авлодлар учун эртакка айланиб қолар. Эҳтимол, худди биздек ота-боболари ижодкорлигидан руҳланиб мўъжизалар яратишар. Нима бўлганда ҳам, кўнгилдан миннатдорчилик туйғулари кечади: Ёшларимиз она-Ватанимизнинг бугунги камоли қадрига етадилар. Сабаби, мустақиллик туфайли халқимизнинг шонли, шуҳратли, қонли, оловли тарихини рост ўқиш, ростакамига танишиш имконига эга бўлдилар. Бузиб, тўқиб ясалган ўтмишимиз ёлғонлардан холи этилди. Ва бугун улар аждодлари руҳи поклари қаршисида таъзим бажо этмоқдалар, бундан фахрланмоқдалар. Улар шаён-шавкатига муносиб яшаётганлари, эзгу ишларини давом эттираётганларидан севинадилар.

Кечагидек эсимда, мактабда ўқиб юрган пайтларимизда тарих фанида ўзбек халқи саводсиз бўлган, уларнинг ўтмиши йўқ, улардан чиққан саркардалар қонхўр, жаллод, дея таништирилар эди. Амир Темур ҳақидаги маълумотларни ўқиб, у киши тўғрисида ёмон ўйларга борганмиз. Бугун-чи? Бугун ул зот хилхонаси зиёратига катта ҳурмат билан бораяпмиз. Минг қатла шукурки, муҳтарам Юртбошимиз ташаббуси билан буюк соҳибқирон бобомизнинг бутун бўй-басти тикланди.

Буюк давлат арбоби соҳибқирон Амир Темур Баҳодир ўғли Кўрагоний Шаҳрисабз яқинидаги Хўжа Илғор қишлоғида туғилган. Шаҳрисабз соҳибқирон ҳаётида кенг ўрин тутган. У шаҳрда жаҳонга машҳур обидалар қурдирган. Темурийлар даврида қурилган тарихий ёдгорликлар бугун ҳам хорижий сайёҳлар ақлини шошириб, ҳайратга солаётир. Шаҳрисабздаги машҳур Оқсаройнинг кошинкор ва парчинкор пештоқининг гулдор нақшлари орасига «Агар бизнинг қувват ва қудратимизга ишонмасанг, қурган иморатларимизга боқкин» деган хитобнома битилган. Тарихчилар тили билан айтганда, Оқсарой «кунгурасининг баландлиги чексиздир. У само юлдузларининг кўзлари билан баҳслаша олади». Юқоридаги суратни таклифимиз билан шаҳрисабзлик суратқаш Умид Тўраев Оқсаройнинг устида туриб тушириб берди.

Кўк гумбаз масжидини Улуғбекнинг ўзи давлатни бошқарган вақтида отаси Шоҳруҳ номидан қурдирган. Кўк гумбазнинг бўёқлари таркиби ҳалигача жумбоқлигича қолаётир. Кўк гумбаз масжиди мадрасаси шундай моҳирлик билан бунёд этилганки, аукустика жуда кучли. Бу ўқувчиларнинг нутқи равон бўлиши учун муҳим аҳамиятга эга бўлган...

Шундай табаррук масжиддан 1930 йилларда қамоқхона сифатида фойдаланилган, десак ишонасизми?! Мен кейинги йиллорим! Кундан-кунга гўзаллашиб кетган пойтахт — Тошкентни бир келиб кўринг!

Юрагида заррача меҳри бор инсон борки, бу муқаддас зиёратгоҳ масканларнинг нақадар ободлашиб кетганини кўрса борми, Ўзбекистонни жону дилидай севиб қолиши тайин.

Ҳа, бугун халқимиз, руҳлари осойиш топган аждодларимиз гуллаб-яшнаётган юртимиз камоли учун Президентимиз Ислом Каримовдан беҳад миннатдорлар. Улар ҳақли равишда ўтмишимизни туҳматлардан, ёлғонлардан халос этишда, юртимизнинг замонавий қурилишлар мамлакатига айланишида бош ҳомий ҳам, бош лойиҳачи ҳам Юртбошимизнинг ўзларидир, дейишмоқда.

Юртимизнинг мустақиллигига, чиройига кўз тегмасин, илоҳим!

Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ

Ислом КАРИМОВ:

Муҳаммаджон ноёб истеъдод эгаси, одамларга меҳрибон, софдил, мард ва камтарин инсон эди. Унинг ёрқин хотираси барчамизнинг қалбимизда доимо сақланади.



Бугун Муҳаммад ЮСУФ туғилган кун

2006 йил 22 апрел. Шанба куни тонг чоғи. Андижоннинг Марҳамати. «Ғишт мозор» қабристони. Муҳаммад Юсуф абадий қўним топган жой. 2001 йилнинг 31 июлигача ёнидан тез-тез ўтсам-да, бу қабристонга у қадар эътибор бермаганман. Тўғри, у пайтлар бу қабристон кўримсизгина, у қадар обод ҳам эмасди.

ТУҒИЛМОҚ БАХТ БЎЛСА, ЎЛМОҚ САОДАТДИР

Муҳаммад Юсуф келди-ю, «Ғишт мозор» номи хотирамга абадий ёзилди.

Муҳаммад акам ўн саккиз йил оғир-енгил кунларимда жигардек асқотганди. Хом-хатала мақолаларимни пишитиб газеталарда чиқаришга ёрдам берарди. Сон-саноқсиз тўй-томошаларга бирга олиб борганди. Машҳур санъаткорлар, шоирлар ва ёзувчилар билан у туфайли танишиб, ошно бўлганман.

Муҳаммад Юсуфнинг падари бузруквори Юсуф отанинг ўзи бир улуғ киши бўлган. Юсуф ота урушлардан Аллоҳ сақлаб омон қайтган табаррук инсон эди. Унинг дуоларини олганимдан қувониб-қувониб юраман.

Шоирнинг Муҳаббат исмли суюкли синглиси ўғлига суннат тўй қилган кун ҳамон ёдимда. Муҳаммад акам тўй боши бўлганди. Бу кун шоирнинг энг қувончли, бахтиёр кунларидан бири бўлганди. Роса хурсанд юрганди ўша куни. Кечқурун шоир туғилиб ўсган хонадондаги сўрида Муҳаммад акам, укаси уччовимиз очиқ ҳавода дам олдик. Азонда Юсуф ота соқолини олаётган экан. Уйғониб кетдим. Соқол олиши худди отамникига ўхшаркан. Қариликда устарада соқол олишга қийналарди. Сафарда юрганда ишлатарман деб «Харков» русумли электр устара сотиб олгандим. Бир марта ҳам ишлатмагандим. Шуни Юсуф отага совға қилиб бериб юбордим. Раҳматли зўрға олганди... Муҳаммад акамнинг айтишича, отаси бу фоний дунёдан боқий дунёга сафар қилар чоғи имо-ишора қилиб, электр устара берган бола яхши бола, у билан алоқани маҳкам тут, деб васият қилган экан. Юсуф отанинг ўлимидан кейин Муҳаммад ака менга бошқача меҳрибон бўлиб қолганди.

«Ғишт мозор» қабристонининг тўрида Юсуф ота ҳам ўғли билан бирга-бирга ётибди. Дуо қилдим, дуолар қилдим. Яратгандан жамики умидворларни раҳматига олишини сўраб, Қуръон тиловат қилдим. Муҳаммад акам худди тирикдай боқади...

Аҳли Андижонга қуллуқ, уларга қуллуқ. Аҳли Ўзбекистонга қуллуқ, уларга қуллуқ. Муҳаммад Юсуфини эъзозлаб қўйибди! Кимки уни эъзозласа, эъзоз топғусидир.

Ўша куни Тошкентга қайтдим. Муҳаммад Юсуфнинг сайланмасини то тонггача яна бир бора ўқиб чиқдим. Юракларни жимирлатган мисараларни сизга ҳам илиндим. Бу сатрлар замирида ҳикматлар ётибди, ҳаёт ҳақиқатлари ётибди, шоир армонлари ётибди, тиниқ муҳаббат ётибди, тирик Муҳаммад ётибди!

Ўринбой КЕНЖАЕВ

«БОЙҚОЗОН»ДА СУМАЛАК САЙЛИ

Паркентнинг сўлим гўшалари. Тоғларнинг бағридан қишлоққа обиҳаёт олиб келаётган канали. Ҳавонинг тозалиги, лолақизғалдоқларгача дилдаги ҳорғинликни олиб, хуш кайфият беради. Ҳавасни келтириб очилиб ётган гулсафсарлар, тирноқгуллар, атиргуллар ҳам кўзимизни яшнатиб юборди. Паркентлик партиядошлар билан бўлган учрашувимиз Бойқозондаги сумалак сайлидан бошланди.

— Партиянинг туман кенгашидаги бошланғич ташкилотлар сони 24 тага етди, — дейди ЎзМТДП Паркент туман кенгаши раиси Маъсуда Икромова. — Партиямизга аъзо бўлиб кираётганларнинг орасида нафақадаги кексалар ҳам бор. Уларнинг ғайратини бугун ўзингиз кўриб турибсиз.

Онахонлар билан суҳбат орасида партия фаолларидан Ҳуррият Жаматованинг исми тез-тез айтилиб турди. Опа кириб келганидан кейин давра янада қизиди. Замира Раҳматуллаева доира чалиб лапар айтди, келинсаломга бош бўлди, даврадаги онахонлар, қиз-жувонлар анча вақтгача ўйин-кулгу қилишди. Қишлоқнинг кексалари дошқозон ёнида юртга тинчлик, элга омонлик, қариларга иймон, ёшларга инсоф, хонадонларга қут-барака, кўнгилларга хотиржамлик тилаб дуо қилишди.

«Қизил ярим ой» жамияти вилоят бўлими раиси Муфаррах Обидова, халқаро «Наврўз» хайрия жамғармаси вилоят бўлими бошлиғи Муҳаббат Шоюсупова, партия фаолларидан Микробиология институтининг лаборатория мудири Заҳро Аҳмедова, «Чинобод» санаторияси ходими Гулсара Муҳамадиевалар иштироки сайлни жонлантириб юборди.

Бойқозонлик Умри ая Обидхўжаева сумалак ва унинг тарихи ҳақида қизиқ ҳикояларни айтиб берди.

— Ният билан ўзим бош бўлиб қилган еттинчи сумалагим бу, — дейди ая қозонни очар экан. — Қишлоқда сумалакка оғзи тегмаган хонадон қолмади, чоғи.

Бойқозон маданият ва спорт мажмуаси. Пештоқига «Ёшлар салоҳият маркази» деб ёзилган бинонинг каттагина ҳовлисига кириб борар эканмиз, ўқувчи ёшлар, Паркентнинг узоқ-яқин қишлоқларидан келган юртдошларимиз бизни очиқ юз билан кутиб олишди. Катта зални тўлдириб ўтирган паркентликлар шу куни ЎЗМТДП Марказий кенгаши котиби ва вилоят кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарифа Салимова билан очиқ мулоқотда бўлишди. Шарифа опа аёлларнинг оиладаги ва жамиятдаги ўрни, партия ишини янада ривожлантиришда қилиниши керак бўлган ишлар ҳақида гапирди. Бир гуруҳ паркентликлар партияга қабул қилинди. Партиямизга аъзо бўлганлар орасида ёшлари етмишдан ошган Инобат ая Эшматова ҳам бор эди. Инобат аянинг тумандаги тикувчилик цехида узоқ йиллар ишлагани кейинги йилларда тадбиркорлик йўлида олиб бораётган ишларида ҳам қўл келаётган экан.

10 фарзанд, 35 та невара-ю чеварага ҳаёт сабоғини берган онахоннинг ёшларга ибрат бўлиб партия сафига кириши унинг ҳали ҳам юрагида ўти, дилида ғайрати борлигидан дарак бериб турибди.

Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир туманда олиб борилаётган ишлар ҳақида гапириб, шеърларидан ўқиб берди. Шеър ҳақида гап кетганда эл севган шоир Муҳаммад Юсуф эсга олинади доим.

Давоми 2-бетда

ҚАНЧА МАОШ ОЛЯПСИЗ, УСТОЗ?

Президентимизнинг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳаётга қандай татбиқ этилмоқда?

Ўқитувчи меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизими яратилди, эндиликда ҳар бир муаллимнинг таълим-тарбияга оид иши ҳисобли ва эътибордан четда қолмаяпти. Бундан ташқари, қарорлар ва унинг ҳаётга жорий этилишини таъминлашга хизмат қилувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ўқитувчи фаолиятининг ҳар бир жиҳати қамраб олинишига эътибор қаратилган. Ўқитувчи ўқувчининг билими, кўникмаси ва малакаларини ошириш учун сарфлаган ҳар бир дақиқасини рағбатлантириш эътибордан четда қолмаслиги ҳисобга олинган.

Ўқитувчи меҳнати жуда залворли. Лекин бир хил соатга икки ўқитувчи икки хил қараш билан дарс ўтса, яъни бири шунчаки наридан-бери вақтни ўтказиб чиқса-ю, иккинчиси бутун кучқувватини сарфлаб ўқувчилар билим даражасини юқори поғонага кўтариш учун жон қуйдириб дарс ўтса, уларнинг меҳнат фаолияти бир хил баҳоланса, бу адолатдан бўлмайди-ку!

Мактабимизда навбатдан ташқари ўтказилган педагогик кенгашда умумтаълим муассасалари қошидаги махсус комиссиялар тўғрисидаги «Низом»нинг мазмун-моҳияти алоҳида ўрганилди. Таълим-тарбияга шахсий ҳиссаларини қўшиб, ўрнак кўрсатган ходимларни рағбатлантириш учун директор жамғармаси маблағларига тақсимловчи мактабнинг махсус комиссияси таркиби тасдиқланди.

Давоми 2-бетда

Миллий тиклаником — миллатга келажак
MILLIY TIKLANISH
Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ўтмиши, кўнгли, истиқболи ва ҳаёти

Умрбоқий сатрлар

***

Мангу назм гулшани сўлмас,
Навоий-ку яшар тоабад.
Оқибатсиз элда эрк бўлмас,
Мурувватсиз юртда саодат...

«Навоий»

***

Ота десам, бағри дилим ёнаверар,
Куним ёнар, ою йилим ёнаверар,
Мозорига қўйган гулим ёнаверар,
Тутунларга тўлиб кетган осмоним бор.

«Ота»

***

Шаънингга шеър битдим, у сени топсин,
Пойингга тиз чўкиб, қўлингни ўпсин.
Ундан ҳам улуғим борлигин кўрсин.

«Онамга»

***

Юзларингни ёритган шу Шарқ зиёси,
Дардларингни аритган шу Шарқ зиёси.
Синонинг этагин ўпиб Оврупоси,
Амриқоси Берунийдан қолган дунё.

«Дунё»

***

Ҳамма бошлиқларинг бошлиғи — Ватан!

«Синглимга мактуб»

***

Бу дунёнинг нокаслари бор,
Эзгуликни кўролмайдилар.

«Жайрон»

***

Ўтар инсон яхши, ёмони,
Меҳр қолур, муҳаббат қолур.

«Меҳр қолур»

***

Ғариб бўлса ҳамки ёринг,
Ўзингники бўлсин экан.

«Кундошли уй»

***

Дўстларим — такаббур шоирваччалар,
Ўзларин севишар ёридан кўпроқ.

«Мактуб»

***

Сочгум гулдай дунёга меҳрим,
Токи юрак уриб туради.

«Сир»

Муҳаммад ЮСУФ

УЛУҒЛАРДАН УЛУҒИМСАН, ВАТАНИМ

***

Алданма ёр, алдамчилар макрига,
Малак бўлма бевафо ишқ шаҳрига,
Улар сени бир босса бас бағрига,
Сени ҳеч ким севолмайди менингдек.

«Сувпари»

***

Сузилма ой осмонда,
Сендан тўлин юзлар бор.
Сурхон деган томонда
Ойдан ойдин қизлар бор.

«Зеби, зеби...»

***

Кўрганману кўрганим эртасидан,
Юрагим қоқ бўлинган ўртасидан.
Ҳар куни бир ўтаман кўчасидан,
Озодани севаман мен, Озодани.

«Озода»

***

Мен эса ошиғинг сенинг — энг ғариб,
Тундан сўз қарз олиб тонгга тутгувчи.
Сенинг ёнингда ҳам сени ахтариб,
Сенинг ёнингда ҳам сени кутгувчи.

«Биз бахтли бўламиз»

***

Капалакдай айлан ўзинг бошларимдан,
Узилмасин бармоқларинг қошларимдан,
Бино бўлдинг кўзимдаги ёшларимдан,
Ёрижоним, қандай йиғлаб, қандай кулай,
Жонни икки бўлиб бўлмас, нима қилай?

«Нима қилай»

***

Кўҳна дунё, бу қизларинг бунча гўзал,
Қараб турсам, кўкларда ой кунча гўзал.
Қанча гўзал бўлса, алдар шунча гўзал!..
Юрагимни йўлбарсларга едираман.

«Ёлғончилар»

***

Сиз аччиқ қисматим, сиз изтиробим,
Сиз ширин дардимсиз, ширин азобим,
Сиз менинг кўклардан топган офтобим,
Ерларда йўқотган кўзмунчоғимсиз.

«Севги садоси»

***

Дилдан кўчиб кетса хаёллар,
Ёмонга йўқ экан жазолар,
Ёлғон дунё экан дунёлар,
Бевафо кўп экан дунёда...

«Бир қиз йиғлар»

***

Оҳ, менинг ортимдан оввора онам,
Бир парча юраги минг пора онам.

«Онамга»

***

Кўнглингизни олдими шум янголари,
Алдаб йўлга солдими ё ҳийлолари,
Кўзингизни олдими ё тиллолари —
Севгимизни зарларига сотдингизми?

«Қелинчак»

***

Жоним сайёд қўлидаги жайрон-жайрон,
Ёлғончи ёр, ёлғонларинг тугар қачон.

«Ёлғончи ёр»

***

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Жоним қақшар ёр-ёр.
Қайда бўлсанг сен билан
Севгим яшар, ёр-ёр.

«Ёр-ёр»

***

Эй, дўстларим дунёда,
Ортда қолган ёд яхши.
Ўнта номард дўстингдан
Битта чўлоқ от яхши.

«Яхши»

***

Элнинг кичигини ғажир кичиги,
Улуғини эса чайнар улуғи.

«Оқибат»

***

Жон устида асраб юрай кўкни мен,
Тўйиб-тўйиб кўзга сурай кўкни мен.
Яна сенга етаманми, йўқми мен,
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим.

«Кўкламойим»

***

Ота уйим олдида
Бу дунё бир кўлмакча...

«Ота уй»

***

Бу дунёда сен бечора, мен бечора...
Эрка кийик, майлими бир эркаласам?..

«Эрка кийик»

***

Қўрқаман эртага мен ўлиб кетсам,
Ётар бўлсам қумга ботиб кўзларим,
Кўнглимни кўчкидай босади бир ғам —
Йиғлашни ҳам билмас менинг қизларим.

«Хавотир»

***

Муҳаммадга ишонган эй, мўминлар,
Ўлсам, сўзим эслаб, ўйга чўминглар,
Капалакнинг қанотига кўминглар,
Капалаклар одамлардан меҳрибон...

«Капалаклар»

***

Ўлим нима? Бу ҳам битта сайр, Она,
Ўғлинг қаро ерга кетди, хайр, Она...

«Сир»

НАЗМ ОЛАМИНИНГ БУЛБУЛИ ЭДИ

СИЗДАН ШИРИН ХОТИРА ҚОЛДИ

Муҳаммад ака, Муҳаммад Юсуф. Шеъриятнинг бетакрор юлдузи. Шеърни яхши кўраман. Шеърлари ёқиб қолган шоирларни излаб топаман, кейин ёнига боравераман,боравераман. Шеъридай ўзига ҳам боғланиб қоламан. Муҳаммад ака билан танишувимиз ҳам худди шундай бўлган. Тошкентга борсам, Муҳаммад акани кўрмай қайтмас эдим. Муҳаммад аканинг ўзи ҳам уйимизга тез-тез келиб турарди. Ҳар сафар муниса онажонимга: «Бир дуо қилинг, момо», — дерди. Онажонимнинг узунданузоқ дуоларига бошини сарак-сарак қилиб қўшиларди. Бир сафар Гулистон шаҳрида у билан учрашув ўтказдик. Талабалар орасидан Муҳаммад акани тополмай қолдим. Бир пайт қарасам, Муҳаммад ака ҳовлида талабалар билан кетяпти. Бу манзаралар кечагидек кўз ўнгимда. У иккала қўлини шимининг чўнтагига солиб олган. Ёшлар билан чақчақлашиб боряпти. Гўёки ўзи ҳам талаба.

Муҳаммад ака шундай оддий инсон эди.

Бир гал шоир дўстим билан Муҳаммад аканикига бордик. Уйда бир ўзи экан. Ётиб қолинглар, деб қистади. Қолдик. Шоирлик машаққатларини ўша куни билдим. Шеър тўлғоғи бирам оғир, бирам оғир экан.

Бир гал шаҳар айландик.

— Мамат, — деди Муҳаммад ака (у мени доим шундай чақирарди). — Сен билан бир ошхўрлик қилсак.

Мен шеър ўқидим, шеърлар ўқидим, у тинглади, роса тинглади. Чиннидаги ошларимиз совиб қолди.

— Ука, юр энди бир суратга тушамиз, — деб қолдилар.

Суратга тушдик. Мана, энди бу сурат — хотира.

Муҳаммад аканинг шеърларини ёддан ўқисам, завқланиб, кейин ўзлари ҳам янги шеърларидан ўқиб кетардилар.



Ҳеч эсимдан чиқмайди, бир гал Гулистонга келганларида Тошкентгача кузатиб қўйдим. Шаҳарга кириб бораётганимизда, Муҳаммад аканинг шу мисраларини ўқидим:

Ёғдуларга чўмилган шаҳар,
Бетонлари биқинни чақар...

Муҳаммад Юсуф она қишлоғини, қишлоқларни жуда-жуда яхши кўрарди. Далаларда қолиб кетгиси келаверарди, келаверарди. Табиатга меҳр-муҳаббат ила боқишни ундан ўрганмоқ керак. Юртини, Президентини севишни Муҳаммад акадан ўрганиш керак. Бугун Муҳаммад аканинг юрак қўрлари — китоблари уйимиз тўрида турибди. Сўзлари қўшиқ бўлиб, юртимизнинг ҳамма гўшаларида янграяпти. Ўзи ҳам, назаримизда, орамизда яшаётгандек.

Тасаввур қилинг: гуллаб ётган боғ. Атрофни муаттар ҳидлар тутган. Бу гўзалликдан кўзингиз қамашади. Шоир бунда бир ажиб наво таратади. Жисму жонимизга қўшилиб кетадиган бетакрор наво. Бу қўшиқ фақат шу боққа ярашади, фақат ана шу гулшанга, шу манзарага ҳамоҳанг. Бу жаннат боғлари. Бу боғда ажиб бир наво таралаётир. Бу — Муҳаммад Юсуф овозига жуда-жуда ўхшайди.

Маматқул БОЗОРБОЕВ,
Сирдарё вилояти

«БОЙҚОЗОН»ДА СУМАЛАК САЙЛИ

— Муҳаммад Юсуф Паркентни иккинчи ижод масканидеб биларди, — деди у. — Бу жаннатмакон гўшани қуёш ҳам ёмғир ҳам бирдек севади. Паркентона меҳримиз йўқолмасин.

Йиғилганлар туман марказий шифохонаси ҳамда туғруқ бўлими учун янги жой ажратилаётганини эшитиб,

Боши 1-бетда

хурсанд бўлишди. Шундан сўнг «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси Тошкент вилоят бўлими раиси Гулсанам Ваҳобова қишлоқ жойларида тиббий кўрикдан ўтиш масаласи ҳақида гапирди ва хайрия ёрдамини топширди. Тиббиёт ходими Моҳир Маҳкамов болалар ўртасида учраётган бўри-танглай, қуёнлаб касаллигини даволаш босқичма-босқич олиб борилиши кераклиги, яқин қариндошлар орасидаги никоҳнинг зарарли жиҳатлари, болаларнинг нуқсон билан туғилишининг олдини олиш учун қилиниши керак бўлган ишлар ҳақида куйиниб гапирди. «Наврўз» жамғармаси томонидан 100 нафар болаларга иссиқ кийимлар тарқатилди.

Ўзбекистон халқ артисти Замира Суюнова самимий дил сўзларини айтиб, халқона қўшиқлари, юракларни сел қилувчи ўланлари билан даврага файз киритди. Залдагилар қарсак чалиб, рақсга тушишди. Шарифа Салимова билан бўлган қизғин саволжавоб ҳам бундай тадбирлардан фойдали экани аён бўлди.

Сайлдан бир олам қувончлар билан қайтдик. Бу ернинг узумлари-ю олмаси, асалининг мазаси сахий қуёшнинг тафти, она заминнинг меҳри-ю, паркентликларнинг нияти пок меҳнаткашларининг шарофатидан экан.

Зумрад ВАҲОБОВА,
Гулбаҳор ОРТИҚХЎЖАЕВА,
«Миллий тикланиш»
мухбирлари

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

Марғилон шаҳридаги Миллий ҳунармандчилик коллежида 14 апрел пайшанба куни партиянинг Фарғона вилояти кенгаши ташаббускорлигида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати У.Исмоилов билан учрашув ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши ташаббуси билан 14 апрел куни Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят филиали ва вилоят партия кенгаши билан ҳамкорликда сиёсий партиялар фаолиятини молиявий ривожлантириш босқичида муаммо, изланиш ва ечимлар тўғрисида йиғилиш ўтказилди.

* * *

Партиянинг Жиззах вилоят кенгаши фаоллари иштирокида 14 апрел куни Дўстлик тиббиёт коллежида «Миллий тикланиш миллий юксалиш демакдир» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

* * *

ЎзМТДП Наманган вилоят Чортоқ туман кенгаши ташаббуси билан 14 апрелда тумандаги 8-ўрта мактабда партия бошланғич ташкилотини тузиш тўғрисида йиғилиш бўлиб ўтди.

* * *

Партиянинг Қашқадарё вилоят кенгаши фаоллари ташаббуси билан 14 апрел куни Қарши давлат университетида «Миллий истиқлол ғояси — юрт мафкураси» номли учрашув ўтказилди.

* * *

15 апрел жума куни ЎзМТДП Навоий шаҳар кенгаши Навоий шаҳар Биржа марказида «Огоҳ бўл» мавзуида тадбир ўтказди.

* * *

17 апрел душанда куни ЎзМТДП Жиззах вилоят Зарбдор туман маданият уйида партиянинг туман кенгаши ташаббуси билан «Ўзбекистон — жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

* * *

Қашқадарё вилоят Касби тумани «Фазли» маҳалла фуқаролар йиғинида 18 апрел сешанба куни партиянинг туман кенгаши ташаббуси билан «Бола тарбиясида ота-она ва маҳалланинг ўрни» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

Партиянинг Бухоро вилоят кенгаши ташаббускорлигида 18 апрел куни Жондор туманидаги «Алели» маҳалла фуқаролар йиғинида «Тозалик — соғлик гарови» номли тадбир бўлиб ўтди.

* * *

«Партия етакчисининг маънавий салоҳияти» мавзуидаги давра суҳбатини партиянинг Қашқадарё вилоят кенгаши ташкиллаштирди. Йиғилиш 19 апрел сешанба куни «Сайидо Насафий» номли кутубхонада ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Қашқадарё вилоят Муборак туман кенгаши ташаббуси билан 20 апрел чоршанба куни Муборак тиббиёт коллежида «Миллий тикланиш оиладан, маҳалладан бошланади» мавзуида ёшлар билан учрашув бўлиб ўтди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши матбуот хизмати

ҚАНЧА МАОШ ОЛЯПСИЗ, УСТОЗ?

Боши 1-бетда

Мактаб раҳбари махсус комиссиянинг раиси, ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари масъул котиб этиб, мактаб касаба уюшмасининг раиси, ота-оналар қўмитаси аъзоларидан Қодир Исломов ва Ғофур Азимовлар ҳамда яна 10 нафар тажрибали ўқитувчилардан иборат махсус комиссия тузилди. Шу билан бирга комиссия таркибида етти кишидан иборат ўқитувчилар иш фаолиятини ўрганиш учун мониторинг ишчи гуруҳи ҳам ташкил этилди.

Шундан сўнг директор жамғармаси маблағларидан касб маҳорати ва тарбиявий ишлари учун ойлик маошига қўшимча устама ҳақ олишга даъвогар номзод ўқитувчилар аниқланиб, бериладиган устама фоизлари махсус комиссиялар тўғрисида Низом мезонлари асосида тасдиқланди. Мактабнинг 91 нафар ўқитувчисидан 43 нафари устама оладиган бўлди. Математика фани ўқитувчиси Нурулла Шоюсупов ва география фани ўқитувчиси Саодат Мавлоновалар эса ҳам касбий, ҳам тарбиявий ишлари бўйича қўшимча устама ҳақ оладиган бўлишди. Устама олувчиларнинг 22 нафари касбий маҳорати бўйича 15 фоиз миқдорида, 19 нафар тарбиявий ишлар бўйича 10 фоиз миқдорида устама ҳақ олишмоқда. Лекин ҳали касбий маҳорат бўйича мактабимизда 25 фоиз миқдорида устама ҳақ олувчи ўқитувчи ҳозирча чиқмади. Демак, ўқитувчилар келгусида амалга ошириши лозим бўлган ишлар кўп, деб ўйлаймиз.

Энди математика фани ўқитувчиси Нурулла Шоюсупов касбий маҳорати учун 15 фоиз, тарбиявий маҳорати учун 10 фоиз миқдорида оладиган устама билан 30 соатлик дарсини қўшиб оладиган ойлик маошини таҳлил этайлик. Ўқитувчи математика фанидан 30 соат дарс ўтади, 9-синфга раҳбарлик қилади ва 30 соат дарси учун дафтар текширади. 15 фоиз миқдорида касбий маҳорати учун, 10 фоиз миқдорида тарбиявий маҳорати учун ҳақ олса, олий тоифали ўқитувчининг 30 соатлик дарси 91276 сўм, дафтар текшириши учун 30 соатга 7050 сўм, синф раҳбарлиги учун 9400 сўм, касбий маҳорати учун 13691 сўм, тарбиявий маҳорати учун 6085 сўмни ташкил этади. Ўқитувчининг бир ойлик маоши 127502 сўмни ташкил этмоқда. Шу ўринда қуйидаги қиёсий таҳлилга эътибор қилайлик, Шоюсупов Нурилла 107726 сўм иш ҳақи олиб келган.

Демак, ўқитувчи меҳнатига ҳақ тўлашнинг янги тизими педагогнинг зиммасидаги ортиқча юкни камайтирган ҳолда, иш самарадорлигига ва ойлик маошнинг ошишига қаратилгандир.

Ўтган уч ой ичида махсус комиссиянинг қарори билан директор жамғармаси ҳисобидан (мактаб бўйича бир ойлик жамғарма суммаси 891852 сўмни ташкил этади) бир ойда 381509 сўм устама олувчиларнинг ойлик маошига қўшиб берилади. Мактаб жамоаси 2005-2006 ўқув йилида 2-босқич туман олимпиадасида фаол иштирок этиб, 57 та мактаб орасида фахрли 2-ўринни олишга эришди. 7 нафар ўқувчиларимиз 2-босқич туман олимпиадасида ғолибликни қўлга киритиб, вилоятда туман шарафини ҳимоя қилдилар. Ана шу 7 нафар ўқувчининг 7 нафар ўқитувчисига туман халқ таълими бўлимининг буйруғи ва махсус комиссиянинг қарорига кўра 561569 сўм моддий рағбатлантириш берилди.

Олимпиада ғолиблари ўқитувчиларининг рағбатлантирилиши жамоанинг иш фаолиятида кескин ижобий томонга бурилиш бўлди, чунончи «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловида мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси, халқ таълими аълочиси Нурмат Бозоров ва география фани ўқитувчиси Саодат Мавлоновалар вилоятда йилнинг энг яхши жисмоний тарбия ва география фани ўқитувчиси деб тан олиндилар.

«Умид ниҳоллари» спорт мусобақасининг вилоят босқичида футбол бўйича олий тоифали ўқитувчи, халқ таълими аълочиси Раҳмон Шокиров раҳбарлигидаги мактаб жамоаси фахрли 2-ўринни олишга эришдилар.

Мактаб ўқувчилари туман, вилоят босқичида ўтказиладиган турли танловлар ва мусобақаларда ғолиб бўлгани учун директор жамғармаси ҳисобидан моддий рағбатлантириш ажратилиши ютуқларда етакчи омил бўлади, деб ўйлаймиз. Бу йил Наврўз байрами арафасида мактабимизнинг беш нафар ўқитувчисини қарилик пенсиясига кузатдик. Туман халқ таълими бўлими ва маориф ходимлари туман касаба уюшмаси ҳамкорликда қимматбаҳо совғалар ва директор жамғармаси ҳисобидан 55 ёшга тўлишлари муносабати билан бир ставка маош миқдорида моддий рағбатлантирилди. Бу ҳам ўқитувчининг кўп йиллик меҳнатига берилган юксак баҳо. Мактабда ташкил этилган махсус комиссия ўқитувчиларни фақат моддий рағбатлантириш билан чекланиб қолмай, уларни ижтимоий ҳимоя қилишга ҳам катта эътибор бериб келмоқда. Чунончи, икки нафар ночор, вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотган ўқитувчига комиссия қарорига кўра моддий ёрдам берилди. Бу ўқитувчилар ва бошқа ўқитувчилар жамоаси Президентимиздан директор жамғармасини ташкил этишда раҳнамолик қилганликлари учун миннатдор бўлишмоқда.

Бу қарор таълим сифати ва самарадорлигини ошириш орқали фарзандларимизни баркамол, билимли ва тарбияли қилиб вояга етказиш, ўқитувчи меҳнатини улуғлаш ҳамда унинг обрў-эътиборини кўтариш натижасида юрт истиқболини таъминлашга қаратилгандир.

Равшан ЖЎРАЕВ,
Жиззах туманидаги 17-ўрта мактабнинг ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари

СИЗДАН МАКТУБ ОЛДИК

«Миллий тикланиш»ни ўқиб бораман. Газетада тарихда ўзининг инсоний фазилатлари, бетакрор ижоди ва ўзига хос ҳаёт тарзи билан из қолдирган инсонлар ҳақида бериб борилаётган мақолаларни катта қизиқиш билан ўқийман. Илтимос, Ҳазрати Хожа Аҳрор Валий ва ул зотнинг эзгу амаллари ҳақида ҳам мақола берсангизлар.

Орзигул ҲОЖИЕВА,
Навоий шаҳри

ЖАҲОННИ ВАЛИЙЛИКЛА НУРАФШОН ЭТГАН ЗОТ

Хожа Аҳрори Валий — Хожа Убайдуллоҳ 1404 йил 25 мартда ҳозирги Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги Боғистон қишлоғида дунёга келган. Дастлабки маълумотни отаси Хожа Маҳмуд ва тоғаси Хожа Иброҳимдан олган. Ёшлигидан бошлабоқ ўзбек, форс ва араб тилларини мукаммал ўрганишга ҳаракат қилиб, катта ютуқларни қўлга киритган. У қишлоқ мактабида «Чоркитоб», «Ҳафтяк», Қуръони карим ва Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳадислари ҳамда мактабларда ўқитиладиган бошқа фанларни пухта ўзлаштирган, тасаввуф таълимоти борасидаги китобларни мутолаа қилишга киришган. 1427 йили тоғаси Хожа Иброҳим у кишини Самарқанддаги Мавлоно Қутбиддин Садри мадрасасига таълим олиш учун жойлаштиради. Самарқандда бир қанча алломалар билан учрашган, суҳбат қурган бўлсалар ҳам, ўзларига маъқул пирни топиш учун 1429 йили Бухоро, Насаф, Термиз орқали Ҳиротга йўл оладилар. 1434 йили Ҳирот билан хайрлашиб, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларини туташтирувчи Хулгўша қишлоғида (Чағониён манзили) яшаб турган машҳур тасаввуфшунос олим, Баҳовуддин Нақшбанднинг муриди Яъқуби Чархий билан танишдилар ва уни биринчи маънавий пир, деб аҳду паймон қилдилар. Шу йилнинг охирларида Шаҳрисабз — Самарқанд —Жиззах орқали Тошкентга қайтдилар ва 1451 йилгача Тошкентда яшаб тақводан ташқари деҳқончилик, қурилиш, шунингдек, Буюк Ипак йўли орқали тижорат ишлари билан банд бўлдилар.

Ривоятларга қараганда, Ҳазрати Хожа баланд бўйли, оқиш юзли, ўткир кўзли, манаҳи узун ва қовоқлари бодомшакл, чеҳраси очиқ киши бўлганлар. Доимо мовут яктак, духоба кулоҳ кийиб юрарканлар. Бир кеча–кундузда неча–неча соатлар тоат–ибодат, Аллоҳ таолога сиғиниш, беш вақт намоз билан банд бўлганлар, баҳор ва ёз фасллари оқ отга миниб, оқ кийим кийиб, ўз ихтиёрларида бўлган ерлар ва мол–мулкларини кўздан кечирганлар, мутасадди кишиларга зарур топшириқлар берганлар. Билимдон тарихчи Бўрибой Аҳмедов манбалар гувоҳлигига суяниб ёзадики, ҳазратнинг 300 жуфти гов (бир жуфт ҳўкиз ёрдамида ҳайдаб экиладиган) ери, шаҳарларда тимлари (усти ёпиқ бозорлари), дўконлари, ҳаммомлари, карвонсаройлари, тегирмонлари, мойжувозлари бўлган.

Лекин Хожа Аҳрори Валий фақат мол–мулкни кўпайтириш ташвишида яшамаган. Маърифатли шайх ва раиятпарвар киши сифатида деҳқончилик, тижорат ва ишлаб чиқаришдан келган даромадлар ҳисобидан масжид–мадрасалар қуриш, деҳқонларнинг қарзларини амирларга тўлаш, бева–бечора, етим–есир, ногирон, мусофир кишиларга ёрдам бериш асосий машғулоти бўлган. Ул зотнинг шахсий ташаббуслари билан Наврўз байрами кунлари атрофдаги аҳолига етти хил таом тарқатилиб, мусулмонлар эл–юрт манфаатлари йўлида баракали меҳнатга, деҳқончилик ишларини бошлаб юборишга ундалган. Хожа Аҳрори Валий доимо халқ манфаатини ҳимоя қилиб келганликлари ҳақида кўпдан–кўп мисоллар бор. Масалан, 1463 йили темурийзода Умаршайх Мирзо Тошкент халқидан катта миқдорда хирож талаб қилганда, Ҳазрати Хожа уни — 205 минг динорни (бир динор 4,3 грамм олтинга тенг) ўз даромадлари ҳисобидан тўлаб юборганлар. Шунингдек, Султон Аҳмад Мирзонинг девонига фуқаролар номидан ҳар йили 80 минг ман (бир ман 4,32 килограммга тенг) ғалла ва 10 минг кумуш тангани хирож ўрнида юбориб турган. Хожа барча солиқлардан озод қилинганига қарамай, ҳамма қатори кўпинча хирож, ушр ва бошқа солиқларни тўлаб борган. Бу масалада, яъни Хожа Аҳрори Валийнинг ҳожатбарорлиги хусусида шундай ривоят бор: **«Мен миниб юрган оқ отнинг тақасини олтиндан ва михини чўпдан ясанглар. Токи михи тезлик билан ейилиб синсин, олтин тақани топиб олган одам ундан манфаат кўрсин!».**

1452 йили Самарқанд султони Абу Саид Мирзонинг таклифи ва илтимосига кўра, Хожа Аҳрори Валий оилалари билан Самарқандга кўчиб келадилар ва Самарқандда Кўксарой (темурий ҳукмдорларнинг қароргоҳи)да маслаҳатчи сифатида мамлакатнинг ижтимоий–сиёсий ҳаётида фаол қатнашганлар. Қанчалик тинч–тотув яшаш тарафдори бўлмасинлар, Ҳазрати Хожа кези келганда она, Ватан манфаати йўлида қўлига қурол олганликлари тўғрисида ҳам маълумотлар бор. Б.Аҳмедов бу тўғрида шундай ёзади: «1454 йилда Хуросон подшоси Абулқосим Бобур катта қўшин билан Самарқанд остонасида пайдо бўлганда, ҳамма, шулар қатори, уч йил муқаддам Самарқанд тахтига ўтирган Султон Абу Саид ҳам қўрқув ва таҳликага тушиб, шаҳарни ташлаб қочмоқчи бўлди. Хожа Аҳрор эса атрофидаги одамлари билан шаҳар мудофаасини ўз қўлига олди, Абулқосим Бобурни эса чекинишга мажбур қилди».

Хожа Убайдуллоҳ Ҳазратларининг кўпгина инсоний сифатлари замондошлари томонидан чуқур тан олинган эди. Ҳазратнинг Мотруд ва Камонгарон маҳаллаларидан сотиб олган ҳовлилари васиқасида шундай деб ёзилганлиги бунинг яққол исботидир: **«Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ — Аҳрори Валий олиймақом. Давлат ва дини ислом шарафи, илоҳий сирларнинг орифи каби фахрий унвонлар соҳиби сифатида ҳамда фуқаро ва акобирларнинг пуштипаноҳидир».**

Бундай иззат–икромнинг сабабларидан бири Хожа Аҳрори Валийнинг шайхлиги, кароматгўйлиги, инсонпарварлигидир. Манбаларда ёзиб қолдирилишича, **бу каромат-ли инсон тақир ердан обиҳаёт чиқариш, ёғин–сочинсиз пайтларда булут чақириш, сой сувини тескари оқизиш сингари имкониятларга эга бўлганлар. Агар Ҳазрати Хожа каромат қилсалар, бепушт аёллар фарзандли бўлар эканлар.** Хожа Убайдуллоҳ илми ваҳийдан яхши хабардор ва кароматгўйлик имконига эга бўлсалар–да, буни ҳамма вақт ҳам ошкор қилавермаганлар. Валийлик кароматларини эса камтарлик билан «тушимда кўрдим», деб изоҳлаганлар. Гўёки тушларида кўрганларининг таъбирини айтиб берганлар ва у доимо тўғри чиққан. Алломаларнинг айтишича, кимки Хожа Аҳрори Валийга мурид бўлса, ҳар икки оламда нима муроди бўлса, ўша муродига етади. Абдураҳмон Жомий, Мир Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам Хожа Убайдуллоҳи Валийни ихлос билан ўзларига маънавий пир деб қабул қилганлар ва асарларида ул зот ҳақида юксак эҳтиром, самимият билан ёзганлар. Жумладан, Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис», «Ҳайрат ул-аброр», «Насойим ул-муҳаббат» асарларидаги Хожа Убайдуллоҳ зикрига бағишланган ўринларни ўқир эканмиз, Валийнинг ўша даврдаги мавқеи, фазилати, ижтимоий-сиёсий фаолияти ҳақидаги тасаввурларимиз янада бойийди.

Хожа Убайдуллоҳи Валий кенг кўламли тадбиркорлик, ижтимоий фаолият ва тоат–ибодат билан машғулликдан ташқари ижод билан ҳам шуғулланган. Унинг қаламига мансуб «Фиқрот ул–орифин», «Волидиййа», «Мухтасар», «Ҳуроия» ёки «Ҳавраия» рисолалари, мактубларини мутолаа қилар экансиз, кўпдан–кўп панд–насиҳатларга дуч келасиз. Бундай дурдона фикрлар Ҳазрат Хожа тилидан баён қилинган мақомат ва маноқиблардан ҳам ўрин олган. Бунга куёвлари Амир Абдулавалнинг «Масмуот», севимли шогирди Муҳаммад Қозининг «Силсилат ул-орифин», Али Сафий ибн Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Рашаҳот айн ул–ҳаёт», Мавлоно Шайхнинг «Маноқиби Хожа Аҳрор», ўғиллари Хожа Абдуллоҳнинг «Мақомати Хожа Аҳрор» каби асарларини киритиш мумкин.

Хожа Убайдуллоҳ умри давомида неча–неча умрларга татийдиган эзгу ишларни амалга ошириб, халқимиз тарихида чуқур из қолдирдилар. Бу улуғ инсон катта маънавий куч ва чексиз билим соҳиби бўлиш билан бирга, элпарварлик ғоялари йўлида бақувват ирода эгаси ҳам эдилар. Ана шундай беқиёс инсон Ҳазрати Хожа 1490 йилнинг 21 февраль кунида дорул фанодан дорул бақога рихлат қилдилар. Ҳазрат ҳозирги Ургут туманининг Камонгарон қишлоғида кўз юмган бўлсалар ҳам, васиятларига кўра тобутга солинган жасадларини қўлма–қўл кўтариб, Хожа Кашфий қабристонига олиб келганлар.

Улуғ инсоннинг жасадлари солинган тобутни кўтариб келганлари учун ҳукмдор Султон Аҳмад Мирзо «Галабаччалар» қавмига ҳозирги «Мароқанд» жамоа хўжалиги ҳудудидан катта ер ажратиб берган экан. Уларнинг авлоди ҳозир ҳам шу ерда яшамоқда. Шу ҳукмдорнинг фармони билан **Ҳазрати Хожанинг жасадлари мўмиёланган. Агар Марказий Осиё тарихида мўмиёлаш ҳодисаси деярли учрамаслигини назарда тутсак, Ҳазратнинг жасадлари тут ёғочидан ясалган тобутга солиниб, мўмиёланиб кўмилгани ўша давр ҳукмдорлари томонидан бобокалонимизга ниҳоятда катта ҳурмат кўрсатилганлигининг исботидир.**

Президентимиз ташаббуси билан 1999 йили Хожа Аҳрори Валий маҳалласидаги Нодир Девонбеги мадрасасида Ҳазрати Хожа таваллудининг 595 йиллиги тантанали равишда нишонланди. У киши ҳақида қисқа метражли фильм яратилди, «Волидия» асари нашр қилинди. Кўпгина ободончилик ишлари амалга оширилиб, Самарқанд шаҳар Сиёб туманидаги Хожа Аҳрори Валий дарвозасидан Чармгари гузаридаги кўчагача Ҳазратнинг номи билан аталадиган бўлди, Ургут туманидаги Камогарон қишлоғида гумбаз барпо этилди. Она Ватанимиз ҳудудидаги турли жойлардан, хорижий мамлакатлардан Ҳазрати Хожанинг оромгоҳларини зиёрат қилиб, руҳи поклaридан мақсадларига етиб, шод бўлиб қайтаётганлар кўп.

Насимхожа МАҲМУДОВнинг «Аҳрорийнома»китобидан

Хожа Убайдуллоҳ фақирлик кийимида шоҳона тантана соҳиби эди. Унинг тадбир-чоралари туфайли фақирлик шоҳона тўн кийди.

Абдураҳмон ЖОМИЙ

Таҳририятдан

Хожа Аҳрори Валийнинг 600 йиллик муборак тўйлари арафасида жуда катта ободончилик ишлари рўёбга чиқди. Бу ҳақида батафсил яна бир мақола бериш ниятимиз бор. Барча эзгу ниятларимизга етишишда Аллоҳнинг ўзи мададкор бўлсин.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат-лавҳаси

Ассалому алайкум, ҳурматли таҳририят! Мен таълим олаётган Чўлпон номидаги Андижон Давлат Тиллар Педагогика институти бу йил ўзининг 40 йиллигини нишонлайди. Мен бир оддий талаба сифатида тил ўрганишнинг аҳамияти тўғрисида ўз дунёқарашим доирасида кичик бир мақола тайёрлаб, сизларнинг эътиборингизга ҳавола этмоқдаман. Бу мақолани ёзишимдан асосий мақсад талаба тенгдошларимни хорижий тилларни пухта эгаллашга даъват этиш ҳамда юбилей муносабати билан ўз устозларимни, собиқ ўқитувчилар ва талабаларни муборакбод этишдир.

Миллий тикланиш жараёнини бошидан кечираётган халқимизга сидқидилдан хизмат қилиб келаётган «Миллий тикланиш» газетаси ижодий ходимларига улкан ютуқлар тилайман. Чуқур ҳурмат билан андижонлик мухлисингиз.

Азизхон САИДАЛИХОНОВ
Андижон Давлат Тиллар педагогика институти факултети талабаси

ТИЛ ИЛМ КАЛИТИДИР

Шарқ маърифати қуёши

Буюк даҳолар етишиб чиққан Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон инсоният цивилизацияси марказларидан бири эканлиги бугунги кунда ўз илмий исботини топган. Бу эса жаҳон илм аҳли диққат-эътиборини ўзига жалб қилиб, тарихимизнинг кўпчиликка маълум бўлмаган янгидан-янги қирралари бундан буён ҳам кашф этилаверади. Аждодларимизнинг юксак даражадаги илмий-маънавий меросларини кейинчалик инсоният ҳаётининг барча соҳаларида кескин туб бурилиш ясади ва илм-фанда Европа Уйғониши даври деб номланган маънавий ривожланиш босқичининг рўй беришида бутун бир Шарқ маданияти билан биргаликда мислсиз рол ўйнади. Ушбу жараёнда, шубҳасиз, европаликларнинг Шарқ адабий тилларини қунт билан ўрганганликлари алоҳида аҳамият касб этади. Ўз замонасининг энг буюк давлатларидан бири, ҳозирги Испания ва Португалиянинг тўқсон фоиз ҳудудини эгаллаган мусулмон давлати – Андалусиядаги олий ўқув юртларида француз, инглиз, немис ёшлари аниқ ва гуманитар фанлар қаторида араб, форс, юнон, лотин, туркий тилларни ўрганар эдилар. Чунки илм-фаннинг деярли барча соҳаларидаги асарлар шу тилларда ёзилган бўлиб, ўқув юртларида таълим ҳам, асосан, шу тилларда берилар эди. Маркази Боғдодда бўлган Аббосийлар давлатида эса фанлар академияси мавжуд бўлиб, андалусиялик олимларнинг кўпчилиги шу академия аъзолари эдилар. Шуниси мутлоқ ҳақиқатки, мазкур академиядаги устоз-олимларнинг аксарияти Марказий Осиёдан эдилар. Ҳали инглиз, немис, француз, испан ва бошқа Европа тиллари адабий тил бўлиб шаклланмаган бир даврда, Андалусия ва Боғдодда таълим олган европалик мутахассислар араб, форс, юнон, қисман туркий тиллардаги кўплаб асарларни Европадаги ягона адабий тил — лотин тилига таржима қилганлар. (Европадаги юнон адабий тили V асрда Рим империясининг таназзули туфайли ўз мавқеини йўқотиб, V-XV асрларда фақат Римнинг вориси Византияда сақланиб қолган эди).

Англиялик Аделард Бата 1120-1130 йилларда математикага оид асарларни, италиялик Герардо Кремонски фалсафа, кимё, тиббиётга оид бир неча асарлар, 1145 йили Роберт Частерский Ал-Хоразмийнинг «Ал-Жабр» асарини, яна бир италян олими Джованни Компано (XIII аср) астрономия, фалсафага оид асарларни, шунингдек, Жон Севилский Доминик Гундиссалия, Герман Алеманус каби европалик олимлар XIII асрда Ибн Сино, Фаробий асарларини лотин тилига таржима қилдилар. Фибоначчи номи билан дунёга танилган машҳур италян математиги Леонардо Пизанский (1170-1250) лотин тилида Шарқ математикасига оид энциклопедик луғат ва шарҳлардан иборат маълумотнома яратди. Пьер Абельер (1079-1142), Анселм (1038-1109), Роджер Бекон (1214-1292) Шарқдаги илмий тажрибалар асосида Европада фалсафа илмининг ўзига хос шаклланишида аҳамиятли бўлган изланишлар олиб бордилар. Буюк филолог, Андалусия ва Боғдоддаги мадрасаларда дарс берган испан-мусулмон Абу Хайён ал-Андалусий (1256-1345) араб, форс, туркий тилларга оид 60 дан ортиқ асар ёзди. Шундан 4 таси бевосита туркий тиллар грамматикасига оиддир. Бу заҳматкаш олим Андалусияда бошланган реконкистик жараённинг (IX-XV асрларда ғарбий Европа қироллари биргалашиб мусулмон-испан давлати Андалусияни йўқ қилиб, христиан-испан давлатини қайта тиклаш амалиёти) юқори чўққига чиққан даврида яшаб, сўнг Боғдодга кўчиб ўтишга мажбур бўлди. Ал-Андалусийнинг филологияга оид асарлари инглиз, немис, француз, испан, италян тиллари грамматикаси яратилишига ўзига хос равишда салмоқли ҳисса қўшди. Хулоса қилиб айтганда, Шарқ маърифати қуёши таъсирида инглиз, немис, француз, испан тилларининг адабий тил бўлиб шаклланиши бирмунча тезлашди.

Чет тилларини мукаммал ўрганиш ҳамда ривожланган давлатларнинг иқтисодий, маънавий ютуқларини ўзимизда амалиётга татбиқ этиш ва келажакда иқтисодий-ижтимоий ҳаётда «ўзбек технологияси», «ўзбек андозаси», «ўзбек услуби» кабиларни яратиш ўзбек ёшларига катта масъулият юклайди. Шу мақсадда мамлакатимизда хориж тиллари бўйича турли йўналишларда мутахассислар тайёрлашга ихтисослашган олий ўқув юртлари, педагогика институтларида хорижий тиллар факултетлари фаолият кўрсатмоқда. Булар ичида бу йил қирқ йиллик юбилейини нишонлайдиган Чўлпон номидаги Андижон Давлат Тиллар Педагогика институти ўзининг салмоқли ўрнига эга. Бугунги кунда институтимизда 3 та факултет: инглиз тили ва адабиёти, роман-герман тиллари ва адабиёти, рус тили ва адабиёти факултетлари мавжуд бўлиб, шу йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрланади. 2000 йилдан бошлаб эса Фарғона водийсидаги хорижий ва рус тили мутахассисларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш маркази ташкил этилди.

Бундай ташқари, талабаларга, аспирантларга илм эгаллашда амалий ёрдам кўрсатувчи турли марказлар ташкил этилган. Шу йиллар давомида институтимизда таълим олган мутахассислар мактаб, лицей, коллежларда, мамлакатимиздаги турли олий ўқув юртларида, халқ хўжалигининг турли соҳаларида, чунончи, чет эл қўшма корхоналарида, банк тизимида, халқаро ташкилотларда, ҳуқуқ-тартибот органларида хизмат қилмоқдалар. Икки юз мингдан ортиқ китоб фондига эга бўлган кутубхонада тил ўрганишга ёрдам берувчи турли мавзулардаги адабиёт ва қўлланмалар мавжуд. Институтимиз жамоасини, бу даргоҳни тамомлаб кетган собиқ талабаларни, кексалик гаштини сураётган устозларнинг барчаларини шу қутлуғ айём билан чин қалбдан табриклайман.

Бугунги технологик тараққиёт инсоннинг тафаккурига, унинг бутун бир фаолиятига сезиларли таъсир эта олади. Шундан келиб чиқиб айта оламизки, биз — бугунги кун талабалари ҳар қандай тилни ўрганиш имкониятига эгамиз. Нафақат тил мутахассислари, балки техника, тиббиёт ва бошқа олий ўқув юртларидаги илм олаётган талабалар ҳам ҳеч бўлмаганда битта хорижий тилни эгаллашлари зарур. Зеро, тил илм калитидир.

Ким ёр анга илм толиби, илм керак,
Ўргангали илм толиби илм керак.

Мен толиби илму толиби илме йўқ,
Мен бормен илм толиби, илм керак.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур

Ижобат бекати

Кеча туш кўрибман. Тушимда метрода эмишман. Вагонлар зулмат қаъридан яшин тезлигида шувиллаб ўтиб келармиш.

Зулмат аста-секин ним қоронғуликка айлана бошлади. Поезд тўхтади. Бекат нимқоронғу эди, бу ИЛИНЖ бекати экан. Кимдир тушди, кимдир чиқди вагонларга. Мен эса турган жойимдан жилмадим. Лекин негадир тушаётганлар, чиққанлар, ўтирганлар ҳам менга қандайдир маънодор қарашди. Ноқулай сездим ўзимни. Хайрият, мени тезда унутишди. Ҳамма ўзи билан ўзи бўлиб кетди. Кимдир китоб ўқийди, бошқа биров газета, кимдир суҳбатдоши билан гаплашади. Қизиқ, гаплашишади-ю, овозлари эшитилмайди.

Поезд аввалги тезликда юрар, йўлаклар ҳам тобора ёришиб борарди. Яна тўхтади у. Ажаб, ҳеч ким эълон қилмаса ҳам, барибир билдим бу бекатнинг номи УМИДлигини.

Вагонлар шувиллаб юришда давом этар, тўхтар, йўлак ҳам шунга монанд чароғонлашиб, нурафшонлашиб борарди. Шу тахлит ОРЗУ, ИСТАК, ТИЛАК, МАҚСАД бекатларидан ўтдик. Ҳаммасидан қизиғи, поезд тўхтагани билан ҳамма — тушаётганлар, чиққанлару ўтирганлар менга тушмасмикин, деган маънода қарашлари эди.

Азиз йўловчилар! Ҳамроҳларим! Менга бундай қараманг! Ахир ҳеч кимга халал бераётганим йўқ-ку! Мабодо мен тушиб қолсам ҳам, ўрнимга биров чиқар, кўнглингизни кенг қилмасангиз, турган жойингиз кенгайиб қолармиди?!

Метронинг ичи кенг, ҳаммамизга етади. Мен эса... мен ИЖОБАТ бекатида тушаман. Агарки, шундай бекат бўлса.

Зухра МАМАДАЛИЕВА,
Олий адабиёт курси тингловчиси

Milliy tiklanish — millat kelajagi
MILLIY TIKLANISH

«ЮРТДА ПОЛВОН ТУҒИЛСИН».

Юртнинг қаддини чин эр йигитлар кўтаради. Полвонлари билан кўкраги баланд ўзбек элининг.

Турсунали полвон. Бу номдан чин ўзбекнинг иси келади. Ўзбекман, деб кўкрак керган инсонлар учун жуда қадрли бу ном. Негаки, бу қадим элнинг энг гўзал анъаналарини чин маънода улуғлаб келади Турсунали полвон. Юзу кўзларида бир шижоат, бир самимият балкиб туради. Халқда «истараси иссиқ» деган ибора бор. Бу инсоннинг худди шу халқ тили, содда ифода билан айтганда, «истараси иссиқ» юзида нури бор. Бу нур эса ҳар қандай вазиятда бўлмасин, ўз эътиқодида собит туришликдан дарақдек гўё.

Турсунали полвон бор бўйи, бутун туришида ўзбек миллатининг ғурури, номусини кўтариб юргандек. Ялангтўш баҳодир боболарга менгзаб кетади келбатлари. Унинг дуоларида ҳамиша бир ният: «Юртда полвон туғилсин!»

Миллатнинг ори, ғурурини кенг елкаларида, бошларида кўтариб юрадиган чин ўғлонлар туғилсин!

ЗУМРАД — МУҲАББАТ РАМЗИ

Зумрад — тўқ яшил, тиниқ рангли нодир тош бўлиб, у оналар ва денгиз саёҳатчилари тоши ҳисобланган. Ҳомиладор аёллар уни тумор сифатида тақиб юришган ва туққанларидан сўнг уни чақалоқ беланчагига осиб қўйишган.

Зумрад хурсандчилик, қувноқлик, сўзамоллик, руҳий мутаносиблик тимсоли. У тош эгасига бағрикенглик, умид, ғалаба ва ҳатто омад келтиради. Одамлар уни сувли идишга солиб ёки ўртага қўйиб, башорат қилишга интилишган.

Зумрад севги тоши ҳисобланиб, юракда муҳаббат туғён урганда у янада жилоланади. Севги "дарз" кетган жойда у ҳам "хафа" кўринади. Муҳими, соҳибининг салбий ҳис-туйғуларини жиловлай олади ва доимо юқори кайфият бахш эта олади. Унинг яна бир жиҳати — хотирани мустаҳкамлайди. Ёстиқ остига қўйиб ухлаганда, хира ўй-хаёллардан ва ёмон тушлардан асрайди.

Зумрад инсон саломатлигига, хусусан, ички аъзоларга ижобий таъсир кўрсатади. Юрак, буйрак, ўпка, жигар ва асаб тизимига оид касалликларни бартараф қилади. Иш қобилиятини оширади. Айниқса, кўз касалликларида, кўзнинг толиқишида зумраддан фойдаланишнинг самараси яхшироқ. Бунинг учун оғриган ёки толиққан кўзни юмиб, қовоққа 15 дақиқа тош қўйиб қўйилади. Ёки зумрад солиб қўйилган сувда компресс қилинади. Ўша сувни ичиб юриш ҳам фойдали. Зумраднинг ижобий таъсирини ошириш учун бир муддат қизил винога солиб қўйиш тавсия этилади.

Зумрад ўзини руҳан тоза ёки мукаммалликка интилувчи кишилардагина намоён қилади. Ёлғончи ва ёмон фикрли одамларга кулфат келтиради. Ойни, ёруғликни севувчи одамларни зумрад ҳам "яхши кўради". Чунки унинг таъсири ой тўлин бўлганида, айниқса, юқори бўлади.

Табиблар яшил зумрад терини ҳимояловчи таъсирга эга деб ҳисоблашган. Бунинг учун уни ёруғ, лекин қуёш нури тиқ тушмайдиган жойда тик турган ҳолда юз ва қўллар бўйлаб юргизилади. Бунда тери соғлом бўлади ва ташқи таъсирларга чидамли бўлади.

Зумрадни оддий сабаблар билан, туғилган кун, юбилей муносабати билан совға қилиб бўлмайди. Уни ўзаро муҳаббат рамзи, соғайиб кетиш учун ёки рағбатлантириш учун совға қилиш мақсадга мувофиқ.

Саодат АЪЗАМХЎЖАЕВА,
ЎзДЖТУ талабаси

БИЛАСИЗМИ?

Ишончли ҳимоя

Чўлу саҳроларга саёҳатга чиқсангиз ўзингиз билан жун арқон олишни унутманг. Чунки у сизни ҳар қандай заҳарли илон ва чаёнлардан ҳимоя қиларкан. Қандай қилиб дейсизми?

Жун арқонни доира шаклида қўйиб ичида ўтирсангиз сизга улар яқинлаша олмас экан.

Халқаро воқеалар

МИСРДА ФОЖЕА

Ҳафта бошида Мисрнинг Даҳаб шаҳрида кучли портлаш юз берди. France Press ахборот агентлигининг тарқатган хабарларига кўра, ҳукумат Синай ярим ороли атрофида хавфсизлик чораларини кўрмоқда. Миср Соғлиқни сақлаш вазири Ҳотам ал-Габолининг сўзларига кўра, теракт натижасида 22 киши ҳалок бўлган. Бундан ташқари, 87 инсон турли даражадаги тан жароҳатларини орттирган. Жароҳатланганларнинг 58 нафарини мисрлиқ, қолган 29 нафарини хорижликлар ташкил этади. Яраланганларнинг аксарияти сайёҳлар бўлиб, улар Италия, Буюк Британия, Россия, Жанубий Корея, Франция, АҚШ ва Исроил фуқароларидир.

Портлашлар душанба куни кечга яқин шаҳарнинг учта қисмида, яъни «Нелсон» ва «Оловуддин» ресторанлари ёнида ҳамда «Газала» супермаркетининг атрофида амалга оширилди.

Сўнгги маълумотларга кўра, полиция ўзини ўзи портлатган террорчиларнинг кимлигини ҳамда уларнинг ортида қандай кучлар турганлигини аниқлашга уринмоқда.

ЭРОН «МАГАТЭ»ДАН ЧИҚМОҚЧИ

Эрон президенти Маҳмуд Аҳмади Нажот матбуот анжуманида Эроннинг МАГАТЭ ташкилотидан чиқиши мумкинлигини баён қилди.

Бу ташкилот билан Эрон ўртасида ўттиз йилдан буён ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, ўзаро келишувга асосан ядро қуроллари тарқатилишининг олдини олиш бўйича қарорлар қабул қилинганди. Аммо кейинги вақтларда бу қоидаларга амал қилинмаяпти. МАГАТЭ Эронни уранни бойитиш дастурини тўхтатишга чақирмоқда.

ФИНЛАНДИЯДА ЮК МАШИНАСИ ПОРТЛАТИЛДИ

Ҳафтанинг бошида Финландиянинг Эспоо шаҳрида кучли портлаш рўй берди.

Маҳаллий полициянинг маълумотига кўра, яраланганлар сони 10 нафар. Портлатишда юк машинасидан фойдаланилган бўлиб, унга 30 килограммли портловчи модда ўрнатилган экан.

Портлаш қурилиш майдонида содир этилган.

МИЛЛИОНЕР КАМПИР

Атлантик-Сити шаҳрида 84 ёшли кампир казиноларнинг биридаги ўйин автоматидан 10 миллион долларлик жек-потни ютиб олди. Бунга унинг невараси сабаб бўлди. Кампир меҳмонхонага қайтаётганда неварасининг қистови билан ўйин автоматларидан бирига бир неча танга ташлаб кўрди. Кампир, менеджер унинг ёнига келиб миллионер бўлганини айтганидан сўнг ўзини йўқотиб қўйди.

Ҳа, гоҳида неваралар-нинг ҳам гапига кириб туриш керакка ўхшайди.

ХЎРАНДАЛАР ҲАЙДАБ ЧИҚАРИЛДИ

Глазго шаҳридаги ресторанлардан бирининг эгаси хўрандаларни кўпроқ йиғиш мақсадида қўйидаги эълонни осиб қўйди:

«Бугундан бошлаб ресторандан охирги бўлиб чиқиб кетган кишига эртаси куни бепул хизмат кўрсатилади».

Эълондан сўнг ресторан хўрандалар билан шунақанги тўлиб кетдики, ресторанда иш вақти тугагач, уларни ҳайдаб чиқаришга тўғри келди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

● Ҳунари бор хор бўлмас

БЕШИК — БОЛАНИ, БОЛА — ДУНЁНИ ТЕБРАТАР



Дунёнинг бошида бешик туради. Аёл йўқки, бешик қучоқлаб, алла айтмоқ бахтин истамаса...

Улуғвор,ҳаётбахш «алла» ила маром билан чайқалаётган бешикда не-не алломалар, олиму фозиллар, дунёга донғи кетган зотлар йўргакланиб вояга етган.

Бешик — кўҳна дунёнинг қадимий мулки. Уста буваларимизнинг бешикчилик ҳунарини биз давом эттириб келаяпмиз. Халқимиз жуда донишманд. Бешикнинг ҳар бир қисми шундай жойлаштирилганки, уларнинг ўрнини алмаштириш мутлақо имконсиз. Зийнатлаб берилган нақшларнику, айтмаса ҳам бўлади.

Бешикнинг дастаси мувозанатни ушлаб турса, жуфт йўрға маромида чайқалаверади. Во ажаб, буни қарангки, боччаси ҳам жуфт, сих ҳам, тут тахтанинг ёнбошидаги калта нарвонези, помбози, гилдивози, пояси, ҳаммаси жуфт-жуфт қилиб ясалган.

Бу қадимий турон заминликларнинг жуфтлик оила муносабатлари анъанасига хос яратилма, қолаверса, санъат асари ҳамдир. Бир ўқ даста уларни бирлаштириб туради. Шуниси билан ҳам буюк ҳикматга эга бўлса керак. Шуниси билан она заминга монанд бўлса керак у.



Унга тувак-сумак, ёпинчиқлар, тўшаги билан таёрланса, ясанган келиндек шамойили кўрган кўзни қувонтириб, кўнгилни орзиқтиради.

— Ўзим ётган бешикни ўйлаб хаёлга толаман. Мен ётган бешикни онам бир умр авайлаб сақлади. Келин келгач, умрининг охирги йилларида унинг қўлига мерос қилиб топширди. Анчайин эскирибди. Кейинчалик уни янгилаб тузатдим. Олдинги ҳолида қуббаси йўқ эди. Қуббали бўлди. Безаклаб, гулли бўёқлар билан қуйма ҳунари сайқалланди.

Катта фарзандим туғилганида қайнонам ва бир маҳалла кампирлар йиғилиб исириқлар тутатиб, расм-русмлар қилишди.

Шунга ҳам йигирма беш йил бўлибди. Ҳамма болаларим шу бешикда ётишди. Қайнонам уйда бешик бўлгани учун қизининг раъйига қараб, катта-кичик иккита «арава»чалар келтирди. Велосипед келтирди суюнчисига. Шу бешикда ётган ўғилларим ёмон бўлаётгани йўқ, ишқилиб. Каттаси ота касбини тутди, қўли гул ҳунарманд. Ўртанчаси адабиётга ихлос қўйди. Қизиқ, ғалати дунё экан... Шу иккинчиси жуда ғалати чиқди. «Тай-тай»лаб ўрмалаб юра бошлабдики, қоғоз, китобларни чир-чир йиртарди. Етти ёш катта акаси ундан нолиб, йиғлаб, шикоят қилиб юрарди. Кейинги укалари унинг китобини йиртганида, қоғоз-китобини ҳеч кимга кўрсатмайдиган бўлган. Таъби нозик, инжиқ, деб индамай қўйдик. Шундай қилиб юриб, шеър ёзармиш бола пақир. Мана кетди ота-онаси ўқиган Тошкан қайдасан, деб. Боланг талпиниб турса сенам қараб туролмас экансан... Кейингиси ҳам бу йил насиб қилса битиради. У ҳам Тошкентга кетса, кампирнинг ҳоли не кечади. Ота қизим қолади... Ҳай, майли, омонлик бўлсин, ишқилиб.

Мана, тут тахтанинг бош томони, оёқ томони тайёр бўлди. Дасталар, қолган нарсаларнинг олдиндан тайёрлари бор. Энди бириктириб, қоқиб чиқсам бўлди.

Эй худоё, ўзинг қўлла, йигит пирим мададлаб, шу бешикда Алпомиш келбатли йигитлар, Барчинойдек санам қизлар эркин ётиб, ўйнаб ўсиб-улғайсин. Эл деганда эмраниб, халқ учун оқибатли, ориятли болалар камолига асқотсин. Бешик тўйлар берганларнинг орзуларини рўёбга чиқарадиган болалар ётсин шу бешикда.

Бисмиллоҳ, деб бошладим, хайрга етказай... мана, Худога шукур, битирдим. Энди чақалоқ керак ичига.

Ёш оилада чақалоқ дунёга келса унга қадим анъанавий расм-русмлар қаторида келиннинг онаси бешик олиб боради. Элнинг кайвони онажонлари йиғилиб гўдакни йўргаклаш маросимини ўтказишади. Чақалоққа ширин-ширин аллалар бахшида қилишади.

Аллани оналар орзу армонлари-ю, умид истакларига йўғрилтириб айтишади. Тинглаб туриб ундан уфурган меҳрдан энтикиб кетасан киши... Беихтиёр қулоғимиз остида алла янграйди:

Муҳаббатдан яралганларим,
Алла, болажонларим, алла.
Бор бойлигим, кўнгил зарларим,
Алла, болажонларим, алла.

Улғайингиз, юрт сўраб яшанг,
Элингизга бахт тилаб яшанг.
Яхшилар кўп, уларга ўхшанг,
Алла, болажонларим, алла.

— Ота, чойга,— деб кириб келган Манзура қизимнинг бешикка ҳаваси келди.

— Аканларингнинг боласини ётқизамиз, қизим, — десам, суюниб кетди.

— Бировларга сотвормайсизларми?

— Бозорини берса, яна тузатамиз, қизим. Сотиб олганлар ҳам чақалоғини ётқизади-да. Улар ҳам акангдай акаларнинг боласи ахир. Бешикка беланган гўдаклар укангдай ука бўлади, қизим. Одам боласининг бегонаси бўлмайди. Бешик ҳам худди шундай, бировники бўлмайди. Ҳаммаси азиз, ҳаммаси ўзимизники...

Гулмирза ХЎЖАЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
Амударё тумани Манғит шаҳри
Бойовул маҳалласи

Атиргул заҳарлайдими?

Атиргул узоқ ўтмишга эга. Бу гулни экиш бир вақтлар кўҳна Эронда йўлга қўйилган бўлиб, греклар уни шу ердан олиб кетишган. Қадимда греклар атиргулдан тузилган гирляндлар билан саройларни безатиб, қаҳрамонларни, ёш келин-куёвларни қутлаганлар ва қабртошларга қўйганлар.

Қадимги Рим давлатида марҳумларни хотирлаш учун ёз бошида атиргул куни ўтказилган. Империянинг сўнгги даврларида атиргул безак сифатида ниҳоятда кўп ишлатилиб, обрўнинг юқорилиги унинг мўллиги билан белгиланадиган бўлиб қолган. Бинобарин, Нерон қасрида бўлган бир йиғинда меҳмонлар устидан минглаб атиргул тожбарглари ёғдириб турилган. Нерон Шимолий Африкадан келтирилиб сочилган бу атиргуллар учун 45 минг олтин ҳисобидаги пулни сарф қилган. Атиргулнинг хушбўй ҳиди унинг тожбарглари таркибидаги эфир мойларига боғлиқ бўлиб, унинг озгинасигина кўнгилни хушнуд қилиши мумкин, кўпи эса, албатта, заҳарли таъсир қилади. Шу боисдан ҳам кишиларнинг тарихда атиргулдан ўлдирувчи қурол сифатида фойдаланиш ҳолатлари ҳам бўлган. Чунончи император Гелиогабал ўзининг яқинлари орасида душман бор, деган шубҳа остида барча яқин кишиларини меҳмонга таклиф этган. Меҳмонлар залга кирганларидан сўнг барча эшиклар беркитилиб, уларнинг устидан беҳисоб атиргул тожбарглари ёғдириб турилган. Натижада меҳмонлар залдаги атиргул ҳиди билан тўйинган ҳаводан ҳалок бўлган.

Атиргул мой парфюмерия саноатида ҳам жуда қадрланади. Биргина Болгария дунё бозорига йилига 20 тонна қиммат-баҳо атиргул мойи чиқаради, 1 кг мой учун 500 кг тожбарг сарфланади. Ҳозирги кунда Осиёнинг кўплаб мамлакатларида атиргул плантациялари барпо этилган.

Моҳира Абдурахмонова тайёрлади

БОЙВАЧЧАГА МОЗОР ҲАМ БОЗОРМИ?

Талабалик йиллари дўстим билан мардикор бозорига чиқдик. Бир машина келди дегунча ҳамма ўша томонга чопади. Эпчиллар бир зумда машинага ўтириб олади. Янги чиққанлигимизданми, тортинчоқлигимиз сабабми, чошгоҳгача бирор ишга илаша олмадик. Ёши қирқни қоралаган бир йигит бизни бир кунга энг арзон нархда «сотиб» олди.

— Нима иш бўлса қилаверасанларми?

— Ҳа, — дедик иш топилганидан хурсанд бўлиб. Йигит бош иргаб қўйди-да, машинани ҳайдаб кетди. Машина бир зумда шаҳар чеккасидаги қабристоннинг ёнига бориб тўхтади. Очиғи, қўрқиб кетдик.

— Тушларинг, — деди йигит дағаллик билан. Машинадан тушибоқ орқага қарамай қочишни мўлжаллаб турибман. Йиғилган одамларни кўриб, кўнглимиз бир оз таскин топди. Йигит чиройли қабртош ўрнатилган, аммо қаровсиз қабр олдига бизни бошлаб борди-да, юзига чала фотиҳа тортди.

— Маҳалла ҳашар қилаяпти. Маҳалла билан қабристонни тозалашасан. Хизматларинг учун пул мана, — деб келишилганини узатди.

— Айбга буюрмайсиз. Қабрдаги киши кимингиз бўлади, ака?

— Отам, — деди-да, бамайлихотир кетди. Қабр устида билганимизча Қуръон тиловат қилиб, уни марҳумлар руҳига бағишладик. Чамаси икки соат вақт ичида қабрни тозалаб, чиройли қилиб қўйдик.

Қайтишда иккаламиз ҳам тушкун кайфиятда эдик, бир-биримиз билан умуман гаплашмадик. Аслида-ку, бундай ишларни ётиғи билан тушунтирса, холислик билан қилишимиз ҳам мумкин эди.

Ўз отасининг қабрини зиёрат қилиб, уни тозалашга вақти бўлмаган йигит ҳақида узоқ вақт ўйлаб юрдим.

Қабристонга боргач ҳар қандай одам ҳам ҳирслари бир оз совиб, маҳзун ҳолатга тушиб қолади, деб ўйларканман. Мол–дунё ҳирсидаги бу бойвачча учун бозор ҳам, мозор ҳам баробар бўлиб қолган экан.

Шавкат МАМАДАЛИЕВ,
Андижон вилояти
Шаҳрихон тумани
Холдевонбек қишлоғи

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси
MILLIY TIKLANISH
Таҳрир ҳайъати
Телефонлар: қабулхона — 133-67-51, 136-56-29, бўлим — 136-58-80,
реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙИТМУРОДОВ
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158
Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 623.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2146
Сотувда эркин нархда
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Босишга топширилди 20.00